

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 813-ҳадис

813 – وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: مَرَرْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَبِي إِزَارِي اسْتَرْحَاءً، فَقَالَ: «يَا عَبْدَ اللَّهِ؛ ازْفَعْ إِزَارَكَ» فَرَفَعْتُهُ ثُمَّ قَالَ: «زِدْ»، فَرَدَدْتُ، فَمَا زِلْتُ أَتَحَرَّاهَا بَعْدُ. فَقَالَ بَعْضُ الْقَوْمِ: إِلَى أَيْنَ؟ فَقَالَ: إِلَى أَنْصَافِ السَّاقَيْنِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2086].

813. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Изоримни бир оз узунроқ қилиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан ўтган эдим, у зот: «Эй Абдуллоҳ, изорингни кўтариб ол!» дедилар. Мен уни кўтариб олдим. Сўнг у зот «Яна», дедилар. Мен яна кўтардим. Шундан бери шундай юрадиган бўлдим».

(Ровий айтади) Баъзилар: «Қаергача?» дейишди. «Болдирнинг ярмигача», дедим».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ушбу ривоят учун изоҳнинг ҳожати йўқ. Ҳамма нарса ўзи изоҳдан иборат бўлиб турибди. Изор ва у каби эркаклар танасининг паст қисмига киядиган кийимларнинг узунлиги болдирнинг ярмигача бўлиши кераклиги ҳақида сўз кетмоқда.

Шу билан изорни ва унинг ўрнини босадиган кийимни осилтириб юриш ҳақидаги ҳадислар охирига етди. Кези келганда, худди шу масала кўплаб ихтилофларга сабаб бўлгани ва бўлаётганини ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Аниқроқ қилиб айтсак, бу масаланинг бир жойигина ихтилофларга сабаб бўлади. Кийимни манманлик ила осилтириб юриш ҳаром эканлигида ҳеч ким хилоф қилмайди. Хилоф изор ва унинг ўрнини босадиган шим, шалвор каби кийимларни манманликсиз тўпиққа тушириб юрилса нима бўлади, деган савол жавобидадир.

Бу саволга баъзилар қаттиқ гаплар айтади.

Бошқалар эса, Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ҳадисларини далил қилиб, манманлик учун бўлмаса, унча қаттиқ гапга ўрин йўқ, дейдилар.

Имом Санъоний ўзларининг «Субулис салом» номли китобларида изорни манманликсиз тўпиқдан пастга тушириб юришни Нававий ва бошқалар макрух, дейишган, деган гапни келтирганлар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI